



Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ЖАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган



1998 йил 18 август сешанба  
Сотувда эркин нархда № 164 (1945)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 15 август кўни иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш, чегара ҳудудларидаги аҳолий ўрғаниш мақсадида Сурхондарё вилоятида бўлди.

Мамлакатимиз истиқлолнинг етти йиллигини нишонлаш арафасида турибди. Утган даврда давлатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади, ўнлаб йирик корхоналар, юзлаб маданий-маиший иншоотлар фойдаланишга топширилди, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси беқийс даражада ўзгарди. Буларнинг барчаси юртимизда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, ижтимоий-сиёсий барқарорлик самарасидир. Сурхондарёликлар ҳам мустақиллик байрамини улкан меҳнат зафарлари билан кутиб олмоқда.

— Аввало, айтмоқчиманки, одамлар билан ана шундай ошқора мулоқот вақтида, уларнинг чеҳрасига қараб, етти йил давомида мана шу халқ учун қилган ишларимиз беқор кетмаганлигига ишонч ҳосил қиламан,— деди Президент. — Бирон бино ёки иншоот барпо этиш ўз йўлига. Биз учун муҳими — етти йил давомида оддий одамларнинг тақдирини, ҳаётида, қалбида бўлган ўзгаришлардир. Бугунги учрашувлар танлаган йўлимиз тўғрилигини, ислохотлар ўз самарасини бера бошлаганини яна бир намойишига айланди, десак муболага бўлмайди. Олло таолога минг шукроналар айтишимиз керакки, бизни ёмон кўздан, бало-қазодалардан тўхташиб, у ердаги аҳвол керакли эҳтиёт чораларини кўриш заруриятини тудираётганини таъкидлади.

— Президент Ислам Каримов маҳаллий журналистларнинг саволларига жавоб бериб, жумладан, шундай деди: — Ҳар сафар Сурхон воҳасига келганимда бу ердаги одамларнинг очик чеҳраларини кўриб, кўнглим яйрайди. Бундай қалби тоза инсонлар билан қанча кўп гурунгр қилсанг, шунча руҳинг кўтариларди. Бу нарса менга куч-ғайрат, қилаётган ишларимиздан мамнуният бағишлайди. — Шундай бозорни қурганларга самийий миннатдорчилигимни билдирмоқчиман,— деди сўзининг давомида йўлбошимиз. — Одам эл-юрт ташвишида бўлса, ўзидан бирон из қолдириш ниятида, мана шундай чиройли иншоотларни бунёд этишга ҳисса қўиши керак. Мен одамлар билан учрашганда, ёшлар билан суҳбатлашганда бизга филойлар кераклигини кўп бор айтман. Ана шундай филойлар кўп бўлса, тезроқ фаровон ҳаётга, мурад-мақсадимизга етамиз.



— Президент Ислам Каримов йилдан буён афгон диёрида давом этаётган урушдан манфаатдор кучлар мавжудлиги, улар «толибон» ҳаракатини қурол-йроғ ва маблағ билан таъминлаётганини айтиб, Ўзбекистон доимо Афғонистонда мустақам тинчлик ўрнатилиши тарафдор бўлиб келганини қайд этди. Бу қирғинбаротни тўхтатиш йўлида Ўзбекистон раҳбарияти оддий даражадаги халқаро ташкилотлар минбаридан туриб тақдирлар билан чиққанини эслатиб ўтди.

— Биз фақат қуруқ гаплар билан эмас, амалий ишлар билан ўзимизни ҳимоя қилишимиз, авваламбор, чегарани мустақамлашимиз зарур,— деб таъкидлади Президент. — Бизда ўзимизни ҳимоя қилишга куч-қудрат етарли. Ўзбекистон армияси халқнинг тинчлигини сақлашга қодир!

— Президент Ислам Каримовнинг Сурхондарё вилоятига сафарига унга Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси — Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик кенгаши котиби М. Раҳмонқудов, ташқи ишлар вазири А. Комилов, Сурхондарё вилояти ҳокими Ж. Норалиев ва бошқа ражмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Айни пайтда қўшни Афғонистондаги ҳарбий-сиёсий вазият Ўзбекистон халқини, республика раҳбариятини ташвишга солаётгани табиий. Зеро, бу мамлакатдаги аҳвол бутун минтақадаги барқарорликка хавф туддириши мумкин.

— Президент Ислам Каримов Афғонистон чегарасидаги «Айритом» божхона мажмуи фаолияти билан танишди. Божхона ва чегара хизмати ходимлари билан суҳбатлашиб, мажмуа иш самардорлигини янада ошириш, давлат чегараси дахлсизлигини янада мустақамлаш йўлида аниқ кўрсатмалар берди.

— Президент Ислам Каримов Афғонистон чегарасидаги «Айритом» божхона мажмуи фаолияти билан танишди. Божхона ва чегара хизмати ходимлари билан суҳбатлашиб, мажмуа иш самардорлигини янада ошириш, давлат чегараси дахлсизлигини янада мустақамлаш йўлида аниқ кўрсатмалар берди.



Бехозод УСМОН, ЎзА мухбири.

Шу кўни давлатимиз раҳбари янги қўрилган Термиз марказий бозорини кўздан кечирди. Умумий майдони уч гектарни ташкил этган мазкур иншоотни бунёд этишга қарийб 250 миллион сўм маблағ сарфланган. Йўлбошимиз бозорда сотувчи ва харидорлар учун қулай шартнош яратилгани, қўрилуш миқли ва замонавий меъморлик анъана-

ларига асосида амалга оширилганлигини мамнуният изҳор этди. Ислам Каримов сурхондарёликлар билан яқиндан суҳбатлашиб, уларнинг қувонч ва ташвишлари, вилоятда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши ҳақидаги фикрларини сўради. Нуроний отахонлар, мунаввар онахонлар республикамизда юргизилаётган оқилона сиёсат учун юртбошимиз ҳақида дуо қилдилар.

— Президент Ислам Каримов маҳаллий журналистларнинг саволларига жавоб бериб, жумладан, шундай деди: — Ҳар сафар Сурхон воҳасига келганимда бу ердаги одамларнинг очик чеҳраларини кўриб, кўнглим яйрайди. Бундай қалби тоза инсонлар билан қанча кўп гурунгр қилсанг, шунча руҳинг кўтариларди. Бу нарса менга куч-ғайрат, қилаётган ишларимиздан мамнуният бағишлайди.

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ «ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ» ОРДЕНИНИ ТАЪСИС ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат мустақиллигини, унинг иқтисодий қудратини мустақамлашга, миллий маънавиятни, маданиятни юксалтиришга катта ҳисса қўшган, ўз меҳнати, илмий, жамоат иши, меҳнатсеварлиги ва ватанпарварлиги билан жамоатчиликнинг иззат-ҳурматига сазовор бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини рағбатлантириш мақсадида: 1. Ўзбекистон Республикасининг «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблансин. 2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ, ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

### ҚЎШИҚ БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

Президентимиз Фармонида буюн, ҳар йили август ойининг учинчи ақшанбасида ўтказиб келинаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» тобора оммавий тус олмақда, янги-янги иқтидорли санъаткорлар кашф этилмақда, дилрабо куй ва қўшиқлар яратилмақда.

Мустақиллигимизнинг етти йиллигига бағишланган бу тағли шодиёналар, айниқса, кўтаринки руҳда ўтди. Мамлакатимизнинг етук санъаткорлари, бадиий жамоалари, бастакорлар, шоирлар шу кўни вилоятларда кенг нишонланган қўшиқ байрамида иштирок этди. Тошкентнинг марказий майдонларида, туман марказларида ҳам рангбаранг концертлар ташкил қилинди. Қўшиқ байрами республика кўрик-танловининг якуний босқичи пойтахтдаги «Туркистон» саройида бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, турли вазириклар тизимида бўлиб ўтган танловларда гўлиб чиққан йигирмадан зиёд бадиий жамоа ва яққа ижрочилар ўз санъатини намойиш этди. Саҳнада она-Ватанини, истиқлол, бугунги бахтли ҳаётимизни тараннум этувчи қўшиқлар янгради. Танлов якунига қўра, бастакор Аваз Мансуров шоир Нормурод Назруллоев билан ҳамкорликда яратган ва Тошкент давлат жаҳон тиллари университетининг талабалари ижро этган «Ўзбекистон — дўстлик диёри» қўшиғи биринчи ўринни олди. Ички ишлар вазиридан Тожибар Азизова, Миллий хавфсизлик хизмати чегара қўшиқларидан Улубек Бобомуродов, жаззхлик Лариса Москалева куйлаган қўшиқлар иккинчи ўринга сазовор бўлди. Мулофаз вазиридан Камолдин Раҳматов, сурхондарёлик Ҳосила Раҳимова, Бухоро вилояти Гиждувон туман болалар ва ўсмирлар ижодиети маркази қатнашчилари ижросидаги қўшиқларга учинчи ўрин берилди. Ўзбекистон қўшиқ байрами 16 август кўни «Халқлар дўстлиги» саройида республика кўрик-танлови гўлиблари ва сондорларининг республика санъат усталари иштирокидаги катта байрам концерти билан якунланди. Тадбирда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Н. Жўраев, Бош вазир ўринбосари А. Азизжўраев қатнашди.

### «ФАН СИТИ» — БОЛАЛАРГА




Энг юқори жаҳон андозалари бўйича қўрилган «Фан Сити» болалар кўнгли очилиш комплексини пойтахтимизнинг қоқ марказида жойлашган бўлиб, у ўзининг қўли ва болалар кийим-кечаклари дўконлари, шинама кафе ва сартарошхона, энг муҳими эса — болалар ўйинларидан иборат. Бу ерда болаларни ва катталарни сеvimли эртак қаҳрамонлари кутади. Шу билан бир қаторда бу ерда ҳар хил ўйин автоматлари ва аттракционлар жойлашган. Ойла йилида ишга туширилган янги маскан шаҳар аҳолиси ва пойтахт меҳмонларининг сеvimли оилавий дам олиш маркази бўлиб қолади. СУРАТЛАРДА: «Фан Сити» мажмуасидан лавҳалар. М. АМИН (ЎзА) олган суратлар.



— Ўзбекистон ўз мустақиллигининг етти йиллигини нишонлаётган. Ушбу муқаддас омиқим ютуқларга эришилди. Уларни Сиз қандай баҳолайсиз? — Мен Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки биринчи тўйида иштирок этган ва ундан кейинги ҳар йили нишонланган байрамларни ўзбек халқи билан биргаликда кўтлаган санъатчи хорижликлардан бири бўлсам керак. Республика ўз мустақиллигини эълон қилмасдан илгари инсонларнинг фикрларини кўз ўнгимда ўзлар бошлаган дивр эсимда. Йиллар давомида уларнинг онгига сингиб кетган «буюк Совет Иттифоқи» ҳиссаси ўрнини ҳақиқий ватанпарварлик ва миллий гурур туйғуси эгаллади.

— Президент Ислам Каримовнинг «Эл-юрт ҳурмати» орденини таъсис этиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблансин. 2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 78-моддасига мувофиқ, ушбу Фармон Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

АЙЁМ АРАФАСИДА «ИСЛОҲОТЛАР — МАМЛАКАТДА ЯШАЁТГАН ИНСОНЛАР УЧУН» «VENO LTD» холдинг фирмасининг президенти Димо Петров (Болгария) «Жаҳон» ахборот агентлиги саволларига жавоб беради



баҳолаш учун кўчаларда қўлиб юрган инсонлар сонини мезон қилиб оладиган бўлса, шубҳасиз, Ўзбекистон МДХнинг барча давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. — Жамиятнинг ислохотларида «тараққийнинг ўзбек модели» деб аташади. Шаҳсан Сиз ана шу моделда мамлакат ва унинг фуқаролари учун энг муҳим нарса сифатида нимани белгилатадиз? — Бу аниқ. Бу сўзларни Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов яқинда Болгарияга қилган ташрифи чоғида айтганидан ҳам аниқроқ қилиб таърифлаш қийинроқ, деб ўйлай-

турадиган, аммо у ерда яшамайдиган хорижликнинг қарашлари мамлакатда яшаётган инсонларникига қараганда холисроқ бўлади. Ҳар сафар бу ерга келганимда нафақат янги қўрилатган гузал биноларнинг пойтахт қиёфаси кўрннга-кўрк қўшаётгани, балки республика аҳолисининг яхши кайфияти ҳам мени қувонтиради. Агарда

латининг гуллаб-яшнашига олиб келади. — Ўзбекистон халқига унинг асосий байрами арафасида қандай тилакларингиз бор? — Менинг Ўзбекистон аҳлига қўшимча баланд. Уларга танлаган ислохотлар йўлида боришларида фақат муваффақият ҳамроҳ бўли-

нинг кўнга яққол ташланадиган ўнга хос ва менинг кўнглимга ёқадиган томони — бу ОСОИИШТАЛИКДИР. Ўзбекистон ўнга муаммолар яратмайти ва қўшнларини безовта қилмайти, балки Марказий Осиёда барқарорликни мустақамлаш учун бор куч-ғайратини сарфламақда. Мамлакатда яшовчи инсонларга гўмхўрлик кўрсатиш борасида Ўзбекистон бошқаларга намуна бўла олади. Тинчлик — фаровонлик гаровидир. Кимки тинч бўлса, соғ-омон ва ҳар доим хотиржамдир. Инсонлар ўз хавфсизлиги ҳақида қовотир олмасдан ишба меҳнат қилмоқдалар, уларнинг фикрлари тараққий ва фаровон ҳаёт сари йўналган ва бу, албатта, дав-

Сўхбатни «Жаҳон» АА мухбири Олег ШАТУНОВСКИЙ ёзиб олди.

**Минтақавий сиёсат — мамлакатимиз маъмурий-ҳудудий бирликларига қаратилган бўлиб, уларнинг имконият ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда иқтисодий ва ижтимоий ривожланишининг мақбул йўллари талдан, минтақалар ўртасида оқилона меҳнат тақсимотини шакллантириш, улардаги мавжуд ер-сув, меҳнат ресурслари, минерал хомашё ва бошқа омиллардан самарали фойдаланиш, экологик ва демографик муаммолар кескинлашуви олдидан олиш каби мақсадларни кўзлайтиди.**

Хар қандай мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти унинг таркибий қисми ҳисобланган турли даражадаги маъмурий-ҳудудий бирликларнинг иқтисодий-ижтимоий қувватлари билан ўлчанadi. Иқтисодий ислоҳотларнинг самараси ҳам, энг аввало, худди шу минтақаларда амалга ошириладиган ўзгаришларнинг нечоғли чуқур ва кенг қамровли эканлигига боғлиқ. Шу сабабли мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб республикамиз минтақалари, шаҳар ва қишлоқларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тезлаштиришга, бинобарин, йиллар давомида йилгилб қолган муаммоларни ҳал қилишга киришилди.

Ишлаб чиқаришда бозор муносабатларининг шаклланиши, мулкчиликнинг янги турлари пайдо бўлиши билан тармоқлар, вазирликлар вазибаларнинг маълум бир қисми маҳаллий-ҳудудий бошқарув органлари ихтиёрига, яна бир қисми эса ҳўжалик юритувчи субъектлар ва бозор инфратузимида ихтиёрига ўтмоқда.

Демак, кўпукладди иқтисодий, мулкдор ва тадбиркорлар синфи шаклланиши сайин ислоҳотлар юки марказий бошқарув идоралари зиммасига эмас, балки маҳаллий бошқарув органлари идоралари гарданига тушади. Бу дегани — иқтисодий ислоҳотлар тақдирини кичик ҳудудий бирликлар ва ишлаб чиқарувчилар алоҳида ўрин эгаллайди.

Мустақилликка эришган даврда барча минтақалар асосан қишлоқ ҳўжалиги хомашё етиштиришга ихтисослашган бўлиб, тайёр санаят маҳсулотлари ишлаб чиқариш даражаси жуда паст эди. Кўпчилик вилоятлар санаятининг 70-80 фоизи пахта тозалаш соҳаси билан боғлиқ бўлди. Аҳоли кунлик эҳтиёжига зарур молларнинг 80-90 фоизи четдан олиб келинар, бунинг устига маъжуд санаят корхоналарининг асосий қисми бир неча минтақаларда тўпланиб қолган эди. 1990 йилда Тошкент шаҳри, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳўжасига республикамизда ишлаб чиқарилган санаят маҳсулотининг 60 фоиздан ортиғи тўғри келган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Сирдарё, Сурхондарё вилоятларининг улущи биргаликда бор-йўғи 9,7 фоизни ташкил қилган, холос. Қолган вилоятларнинг улущи ҳам 4-5 фоиздан ошмасди. Ҳудудлар ўртасида таркиб топан бундай номуთანосибликнинг асосий сабаби собиқ Иттифоқ минтақавий сиёсати мулкка мустамаккачиликка асосланган бўлиб, у худудларнинг талаб ва имкониятлари, маҳаллий халқларнинг урф-одатларини ҳўсига олма эди.

Ўзбекистоннинг миллий минтақавий сиёсати мустақилликка эришгандан сўнг шакллана бошлади. Республикада Президент И. Каримов ана шу сиёсатнинг асосий тамойилларини белгилаб берди. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, «Структура сиёсатини амалга оширишда унинг худудий жиҳати ҳам муҳимдир. Чунки иқтисодий жиҳатдан унча ривожланмаган минтақаларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилани ривожлантириш,

ишлаб чиқарувчи кўчларни энг мақбул тарзда жойлаштириш йўли билангина уларга қўшимча сармоялар жалб қилиш имкони яратилади». Мазкур сиёсатнинг асосий вазифаси минтақаларнинг салоҳиятини ҳўсига олган ҳолда уларнинг мавжуд ишлаб чиқариш, табиий ва меҳнат ресурсларини тўла рўйга чиқариш учун зарур шарт-шароит яратиб бериш ва шу асосда аҳоли турмуш фаровонлигини оширишга етарли иқтисодий асос яратилган иборат.

Мустақиллик йилларида минтақавий сиёсат биринчи навбатда иқтисодий қўдратимизни ошириш, ёқилги-энергетика базасини мустақамлаш, озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш даражасини кўтариш, санаятнинг мураккаб вазиятдан олиб чиқиш, транспорт тизимини мустақамлаш, мавжуд минерал хомашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, аҳолини

ривожлантиришда тўб ўзгаришлар юз берди. Қисқа вақт ичида гўгур ва туз ишлаб чиқаришдан тортиб, то мураккаб электрон маҳсулотлар ва автомобиллар ишлаб чиқариш тармоқлари барпо қилинди. Ҳозир барча минтақаларда санаятнинг барқарор ривожланиши кузатишмоқда. Айниқса, республика санаятида Андижон, Қашқадарё, Навоий, Бўҳоро ва Хўраам вилоятларининг мақсези-ларли кўтарилди. Андижон, Хўраам вилоятларида санаят



## ҲУДУДЛАР ҚУВВАТИ — МАМЛАКАТ ҚУДРАТИ

- \* Мустақид тузум талаби: хомашё, хомашё ва яна хомашё
- \* Номутаносибликларга барҳам берилмоқда
- \* Истиқлол туфайли янги тармоқлар яратилди
- \* Ёш мутахассисларимиз чет элликлардан қўшимаяпти

ижтимоий ҳимоялаш каби ўта муҳим вазифаларни ҳал этишга қаратади.

Минтақаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда қўйилган ҳўдаларга эътибор қаратилди: собиқ қизил империядан мерос бўлиб қолган қатъий марказлашган бошқарув тизимидан воз кечилиб, худудларнинг ижтимоий-иқтисодий масалаларини ҳал қилишда маҳаллий ҳўкмийлик органларининг мақсезини ошириш; ривожланиш даражаси паст худудларда иқтисодий-ижтимоий муаммоларнинг янада чуқурлашиб кетишининг олдини олиш ва уларни юмшатишга давлат томонидан ёрдам бериш; бой табиий-иқтисодий салоҳиятга эга худудлар ва шаҳарларни биринчи навбатда ривожлантириш; кичик шаҳарлар ва қишлоқлар инфратузилмасини тақомиллаштириш ҳўсига янги санаят корхоналарини қўриш, уларда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланишига кенг имкон яратиш; минтақаларнинг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўзини-ўзи таъминлаш даражасини ошириш; минтақалар ривожланишида уларнинг ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий имкониятларини янада кенгайтириш ва бошқалар.

Вилоятларнинг иқтисодий ривожланиш тактикасини аниқлашда вужудга келтирилган моделларнинг тамойилларидан бири ҳўсбланган бошқича-бошқича амал қилишмоқда. Аввало, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларига, тез ва нисбатан арзон ўзлаштирилиши мумкин бўлган табиий ресурсларга эга худудлар ва шаҳарларда иқтисодий мустақиллигини мустақамлайитан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишининг устувор йўналишларини ривожлантиришга эътибор берилмоқда.

Натижада мамлакатимиз иқтисодий тизимини сезиларли структуравий ўзгаришлар содир бўлди. Айниқса, худудлар санаят тармоқла-

рининг ўсишига фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш қувватларини қайта ихтисослаштириш қўшма корхоналар қўриш, Қашқадарё ва Навоий вилоятларида мавжуд бой минерал хомашёларни ўзлаштириш, Бўҳоро вилоятида эса йирик нефтни қайта ишлаш заводини ишта тушириш ҳўсобига эришилди.

Илгари санаят ишлаб чиқариши нафақат минтақалар ўртасида, балки шаҳарлар бўйича ҳам ўта нотежис жойлашган эди. Уларнинг аксарияти бир неча йирик шаҳарларда тўпланиб қолганди. Масалан, 1990 йилда мавжуд 200 дан ортиқ шаҳар ва шаҳарчаларнинг нафақатгина 17 тасида республикада ишлаб чиқарилган санаят маҳсулотининг тўртдан уч қисми олинган. Қўдан ортиқ кичик шаҳарлар «катта қишлоқ» даражасидан нариёққа ўта олмади. Аксариятида биргина пахта тозалаш заводидан бошқа бирорта санаят корхонаси йўқ эди.

Шу ўринда шўролар ҳўлатини эсга олиб жоиз, 80-йилларда йирик санаят корхоналарини кичик шаҳарларда ташкил қилиш тажрибаси қўлланилди. Лекин бу билан ижобий ўзгаришлар юз бермади. Чунки янги ташкил қилинган филиалларнинг ишлаб чиқариш йўналишлари маҳаллий шарт-шароит, республикамиз иқтисодий талаб ва заруратларидан бири ҳўсбланган бўлиб, улар асосан Россия корхоналари учун содда бутловчи маҳсулотлар ишлаб чиқарарди. Бу қизил империя мустамаккачилик сиёсатининг яна бир кўриниши эканлиги кейинчалик билиниб қолди. Чунки уларнинг аксарияти Россия корхоналарининг ёки бўлмаса ўзимизлага, нафақат «марказ»га ҳўсббт берилган корхоналарнинг филиаллари бўлиб, уларнинг раҳбарлари, муҳандис-техник ходимлари, ҳўттоқи дастхўдаларда ишлайдиган инжиқларнинг кўпчилиги республикамиз ташқарисидан олиб келинди. Маҳаллий аҳоли вақил-

лари нафақатгина «қора» ишларга қабул қилинарди. Чунки марказ ерлик халқ вақилларидан юқори малакали инжиқлар синфи шаклланишини ҳўсббтмасди.

Бу кичик ва ўрта шаҳарлар аҳолисини иш билан таъминлашга салбий таъсир кўрсата бошлади. Қолоқ технология ва техник жиҳозлар билан таъминланган мавжуд корхоналар бозор рақобатига барлош беролмай қолди.

Мустақиллик йилларида мавжуд номутаносибликларга барҳам бериш мақсадида турли катталидаги шаҳарларда санаят корхоналарини оқилона жойлаштириш масаласи кун тартибига қўйилди. Ҳар бир шаҳарнинг ички имкониятлари ҳўсббга олинди. Бунда йирик шаҳарларда мавжуд корхоналарни қайта ихтисослаштириш, кичик ва ўрта шаҳарларда иқтисодийнинг устувор тармоқлари ва кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилган корхоналарни жойлаштириш кўзда тутилди.

Аҳоли зич жойлашган, қишлоқ ҳўжалиги хомашёсига бой худудларда тайёр санаят маҳсулотлари ишлаб чиқарилган замонавий корхоналар ташкил қилишга алоҳида эътибор

қўйилди. Қишлоқларда аҳолининг табиий ўсиши шаҳарларга нисбатан анча юқори, иш билан таъминланмаган меҳнатга лаъқатли аҳоли кўпчилигини ташкил этади. Айни пайтда далада ишлаётган аҳолининг бир қисмини бошқа соҳаларга ўтказиш муаммоси кўндала турибди. Ёш давлатимиз, ҳар қанча мураккаб бўлмасин, ана шу муаммони изчилик билан ҳал қилишга киришди. Бундан 7 йил олдин қишлоқларда ҳам замонавий дастхўдалар билан жиҳозланган санаят корхоналари қўриш мумкинлигини ҳеч ким ҳайлга ҳам келтирилмас эди. Ҳозир у реал воқеликка айланди. Андижон вилояти Шаҳрихон туманидаги Сегазак қишлоғида Туркиянинг «ЯЗЕКС» фирмаси иштирокида қўриб кўрилган «Антес» тўқимачилик мажмуини айтмизми, кечагина кетмонини судраб юрган деҳқон бугун замонавий корхоналарда ишлаётганини тилга оламизми — уларнинг бариси ўз кўчимиз ва келажакимизга ишончини мустақамлайди.

Айниқса, қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш бўйича қабул қилинган дастур бўйича амалга ошириладиган ишлар натижасида аҳолини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш, уларга тиббий, маиший, савдо хизмати кўрсатиш даражаси сезиларли равишда кўтарилди. Бу ўз навбатида қишлоқда қўшимча иш жойларини яратишга, янги санаят корхоналарини қўришга қўлай имконият туғдиришмоқда. Фақат кейинги бир ярим йил ичида қишлоқ жойларда 324,5 минг иш жойлари яратилди, 85 мингдан ортиқ киши қишлоқ ҳўжалигидан бошқа тармоқларга ўтказилди.

Яқинда республикамизда минтақавий сиёсат тамойилларини амалга оширишга қаратилган яна бир катта тадбирга қўл урилди. Президентимизнинг бевосита ташаббуси ва бошчилигида «1998-2000 йиллар даврида Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштириш чора-тадбирлари дастури» ишлаб чиқилди ва бу ҳўқда Вазирлар Мақамасининг қарори қабул қилинди. Бу ҳўқудий ривожланиш бўйича биринчи дастур ҳўсббланамиз.

Ҳўш, нега айнан Наманган мисолида бу дастур қабул қилинди? Негаки, Наманган катта саломатига эга вилоят бўлиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича нисбатан орқалда қола бошлади. Аҳоли даромадлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг ривожланиш даражаси Фарғона волиёси вилоятлари орасида энг кам. Дастурнинг асосий мақсади ушбу муаммоларни ҳал қилишга қаратилган.

Шундай қилиб, истиқлол йилларида мамлакатимизда оқилона минтақавий сиёсат олиб борилиши натижасида худудларимиз, шаҳар ва қишлоқларимизда фойдаланилмаётган имкониятлар ишта пойдевори яратилди. Ҳар бир минтақа ўзининг ҳўқикий ривожланиш йўлини топиб олди. Шу маънода, бугунги натижалар кечагидан, эртанги кўрсаткичлар бугунгисидан самаралироқ бўлишидан умид қилишимиз табиий.

**Авезхон СОДИҚОВ,**  
иқтисод фанлари номзоди.

Маълумки, мамлакатимиз аҳолисининг 62 фоизи қиш-

## ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИДА УЧРАШУВ

Хитойнинг Хуавэй компанияси президенти Жэн Чэньфэй бошчилигидаги делегация аъзолари Ўзбекистон Бош вазирини ўринбосари Л. Аҳметов билан учрашди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги телекоммуникация бўйича ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ҳўқида сўз борди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, 1996 йил июль ойидан бўён Хитой ҳўкумати Ўзбекистонга умумий миқдори 3 миллион юанга тенг бегараз ёрдам кўрсатилган бўлиб, шундан 2 миллиони телекоммуникация маҳсулотлари ҳўсобига

тўғри келади.

Учрашув ниҳоясида икки мамлакат ўртасида далолатнома имзоланди. Уни Ўзбекистон ҳўкумати номидан Ўзбекистон Почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори А. Жўрабоев, Хитой ҳўкумати номидан ХХРнинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ли Цзиньин имзолади. Мазкур далолатномага мунвофиқ, Хитой ҳўкумати Ўзбекистон ҳўкуматига Наманган шаҳрида ўрнатилган 1200 рақамли С&С08 дастури бошқарувга эга автоматик телефон станциясини эҳтиёт қисмлари билан бирга совға тарзида тақдим этди.

(ЎЗА)

17 август — Индонезия Республикаси Мустақиллиги кун

## ОРОЛЛАР МАМЛАКАТИ


**Индонезия Малай архипелагида ҳамда Янги Гвинея ороли қисмида жойлашган. У 17 минг оролдан ташкил топган бўлиб, худуди 1,9 миллион квадрат километри ташкил этади. Пойтахти — Жакарта шаҳри. Мазкур мамлакат аҳоли соғи жиҳатидан жаҳонда тўртинчи ўринда туради. Айни пайтда ушбу мамлакатда 200 миллиондан ортиқ киши истиқомат қилаётир.**

Кўпинча икки-уч киши учрашиб қўлиб сўхбатлашганда гап айланиб келиб об-ҳавога тақалаверади. Мабодо гап бирон-бир мамлакат тўғрисида кетсаки? Бунда унинг иқлимидан ташқари аҳолиси, тили, дини, ишлаб чиқариши ва, албатта, тарихига бир қур назар ташламадан илож йўқ. Индонезиянинг иқлими шундайлиқ, бу ерда йил фақат икки даврга ажратилади — ёғингарчилик ва қуруқлик мавсумлари...

Мана шу фаройиб ўлка 1945 йил 17 август кунини ўз мустақиллигини эълон қилган эди. Шу тариқа, жаҳон харитасида катта-ю кичик, танишунотаниш минглар ороллардан иборат янги давлат пайдо бўлди.

60-йиллар охири, 70-йиллар бошларидан мамлакат иқтисодиётида сезиларли ўсиш даври бошланди. Яқин ўтмишда фақат хоҳсини жалб этиш борасида ривожланиб бораётган давлатлар орасида етакчи ўринни эгаллади. 1967 йили чет эл сармоясини жалб қилиш ҳўқида қўнун қабул қилинган эди. Шундан бошлаб ўтган ўттиз йиллик даврда мамлакатга киритилган сармоя миқдори, нефть-газ соҳасига ётқизилган хоржий сармояни ҳўсбга олгандай, 183,9 миллиард АҚШ долларига тенглашди. Бундай кўрсаткичга эришишнинг сабаби сиёсий-ижтимоий барқарорлик, ички истеъмол бозорининг кенгайиши ҳамда табиий заҳираларнинг улканлиги билан ҳам изоҳланади. Индонезия иқтисодиётига сармоя ётқизиш борасида Япония, Буюк Британия, Сингапур, Хитой ва АҚШ каби ривожланган давлатлар етакчи ўрин тутиди.

Бу давлат қатор халқаро савдо-иқтисодий ташкилотлар аъзоси ҳўсббланамиз.



Баробарида мамлакат иқтисодиёти ҳам бақувватлашди. Индонезия чет эл сармоясини жалб этиш борасида ривожланиб бораётган давлатлар орасида етакчи ўринни эгаллади. 1967 йили чет эл сармоясини жалб қилиш ҳўқида қўнун қабул қилинган эди. Шундан бошлаб ўтган ўттиз йиллик даврда мамлакатга киритилган сармоя миқдори, нефть-газ соҳасига ётқизилган хоржий сармояни ҳўсбга олгандай, 183,9 миллиард АҚШ долларига тенглашди. Бундай кўрсаткичга эришишнинг сабаби сиёсий-ижтимоий барқарорлик, ички истеъмол бозорининг кенгайиши ҳамда табиий заҳираларнинг улканлиги билан ҳам изоҳланади. Индонезия иқтисодиётига сармоя ётқизиш борасида Япония, Буюк Британия, Сингапур, Хитой ва АҚШ каби ривожланган давлатлар етакчи ўрин тутиди.

Бу давлат қатор халқаро савдо-иқтисодий ташкилотлар аъзоси ҳўсббланамиз.

Улар орасида Жаҳон савдо ташкилоти, АСЕАН, Осиё-Тинч океани иқтисодий Конференцияси сингари нуфузли тузилмалар бор.

Бутун дунёда барқарор тинчлик тарафлари бўлган Ўзбекистон мустақилликка эришган, кўп ўтмай, Индонезия билан дипломатия муносабатларини ўрнатди. Икки мамлакатда ҳам элчионалар очилди. Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг 1992 йил 22-23 июнь кунлари Индонезияга ҳамда Индонезия Президентининг 1995 йил 8-10 апрель кунлари юртимизга қилган ўзаро ташрифлари икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни янги бошқича сўтарди. Мазкур учрашувлар ва бошқа турли даражадаги ташрифлар давомида мамлакатлараро муносабатларни ривожлантиришни кўзда тутувчи бир неча ҳўжатлар имзоланди. Сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш, икки ёқлама солиқ солишининг истесно этиш тўғрисидаги Битимлар, телекоммуникация, енгил санаят маҳсулотлари, пахта толаси, самолётсозлик, қишлоқ ҳўжалиги техникаси ва бошқа соҳалардаги алоқалар оид талай шартномалар ҳамкорликнинг энг истиқболли йўналишлари ҳўсббланамиз.

Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг Индонезияда нашр этилган «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларини чуқурлаштириш йўлида» китоби тақдимоти ҳамда Жакартада «Ўзбекистонда бизнес билан шуғулланиш» мавзусида семинар ўтказилиши Ўзбекистон — Индонезия муносабатлари ривожига янги омил бўлди. Бугунги кунда мамлакатимизда «Бақри групп», «Тиртамс Комаксиндо» сингари йирик компаниялар, «БУЗ-тел» ва бошқа қатор қўшма корхоналар муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда.

**Беҳзод НОРБОВЕВ,**  
ЎЗА шарҳловчиси.

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 18 августдан бошлаб ҳўсбб ва божсана валюталари учун хоржий валюталарнинг сўма нисбатан қўйидаги қийматини белгиледи:\*/

1 Австралия доллари	60,51	1 Норвегия крониси	13,36
1 Австрия шиллинги	8,08	1 Швейцария франки	29,27
1 Аргентина фунт стерлинги	165,49	1 Португалия эскудои	5,57
10 Бельгия франки	27,53	1 Сингапур доллари	58,34
1 Голландия гульдени	50,39	1 СЛР	135,54
1 Греция драхмаси	3,36	1000 Туркия лираси	0,37
1 Дания кронаси	14,92	1 Финляндия маркеси	18,69
1 БАА дирхами	27,86	1 Франция франки	16,98
1 АҚШ доллари	102,30	1 Швейцария франки	12,51
1 Миср фунти	30,09	1 Швейцария франки	67,97
1 Ирландия фунти	142,61	1 ОКУ	112,15
1 Исландия кронаси	1,42	10 Жанубий Корея воши	0,77
10 Испания песети	6,69	10 Япония иенаси	6,99
100 Италия лираси	5,77	1 Россия рубли	16,26
1 Канада доллари	67,46	1 Украина гривнаси	47,76
1 Хитой юани	12,36	1000 Беларусь рубли	2,33
1 Кувейт динори	332,52	1 Латвия лати	169,69
100 Ливан фунти	6,74	1 Литва лити	25,58
1 Малайзия ринггити	24,34	1 Молдова леи	21,47
1 Германия маркеси	56,83	1 Қирғизистон соми	5,24

\* / Валюта қийматини белгилеш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

## БАЙРАМ ТУҲФАЛАРИ (Фотолаҳқа)


Байрам ёҳуд тўйга туҳфа билан бориш халқимизнинг азали олдатири. Шунданми, республикамиз мустақиллигининг 7 йиллик шодлиғаси яқинлашгани сайин байрам кунларида ишта тушириладиган иншоотларда ишлар қизгандан қизаяпти. Бундай мисолларни истаган жойда, ҳўсуелан, Қорақалпоғистоннинг Беруний туманида ҳам учратиш мумкин. Тумандаги «Шаббоз» жамоа ҳўжалиги худудида бунёд этиладиган 630 ўринли мактаб биноси Мустақиллик байрами арафа-

сида фойдаланишга топширилди режалаштирилган. Шу боис бу ерда айни кунларда ишлар жўл тус олган. Қўрунчилар ишла сўрат билан бирга сифатта ҳам катта аҳамият беришмоқда.

СУРАТЛАРДА: ҳайдовчи Тўра Нуритбеков қўриш амалларини ўз вақтида етказмоқда; 308-қўшма жамаида пардозловчиси Эркабой Дўсқонов; мактаб қўрилишида лаҳқа. Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сўратлар.

## ШАҲАРЧА ЧИРОЙ ОЧМОҚДА

Қўнунот сода заводи қўннида барпо этилаётган Ишчилар шаҳарчасида ташқи қўриш бетақорор иморатлар қўнаймоқда. Бинокорлар мустақиллигининг 7 йиллиги арафасида 2 та мактаб, 1 та ётоқхона, маиший хизмат мажмуи, 24 хонали кўп қаватли уйини топшириш интилади. Завод худудида эса сув тозалаш иншооти битай деб қолди.







Фанларимиз тахминий ҳисоблар

Ўз соҳасида маълум ютуқларини қўлга киритган, эл-юрт олдига хурмат-эътибор қозонган инсонларнинг умри ҳам ташвиш-қувончларга тўла бўлади. Кимё фанлари доктори, профессор, Тошкент фармацевтика институти анорганик, физик ва коллоид кимё кафедраси мудири, Жаҳон фармацевтлар федерацияси аъзоси Собиржон Аминов ҳам бундан мустасно эмас.

Собиржон Неъматович 1956 йилда мазкур институтга ўқишга кирган кунини ҳаётининг энг қувончли онларидан бири сифатида хотирлайди. Кейинчалик аспирантурада ўқиб, номзодлик ва докторлик диссертацияларини ёқлаганида, илк бор ота бўлганида ҳам ўзини беҳад бахтиёр ҳис этганди...

алоҳида ишларди. Улар ўртасидаги илмий ҳамкорликнинг аҳволи дуруст эмасди. Профессор Аминов раҳбарлигида фармацевтика институтида лори диспер системаларнинг коллоид кимёвий, структура механик ва технологик хусусиятларини оқилона бошқариш мақсадида махсус сирт фаол моддалар олиш ва уларни фармацевтика соҳасига татбиқ қилиш бўйича илмий йўналиш юзга кел-

Илгари теннис ҳақида саноқлигина юртдошларимиз етарли маълумотга эга эди. Бу ўйин бутун дунёда севиб ўйналаётганлигини қатъи назар, биз унинг кишига диллик ва ишонч, жисмоний баркамоллик ва роҳат бахш этишидан бохабармиз. Хуллас, мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 1994



«ПРЕЗИДЕНТ КУБОГИ» МУСОБАҚАСИ ОЛДИДАН ЎЗБЕКИСТОН ТЕННИС МАМЛАКАТИГА АЙЛАНМОҚДА

Илдан бошлаб теннис мусобақалари оммавийлашга бошлади. Қарабизки, бутунга келиб унга бутунлай қизиқиб қолдик. Қасбий байрамимиз, муҳим саналар теннис мусобақаси ўтмайди бўлди. Матбуотчилар, мелкилар, қурувчилар, муҳофазачиларнинг қатта шодона сифатида нишонлангани кунларида кўпдан-кўп мусобақалар ташкил этилди.

Буларининг ҳаммаси ўз йўлига, бироқ юртимизнинг шаҳару қишлоқларида бунёд этилаётган муҳташам кортларни айтмайсизми! Фаргона, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Наманган вилоятларида фойдаланишга топширилган бир-биридан гўзал кортлар бутунги кунга келиб халқнинг дам оладиган энг гавжум жойларига, севибди масканларга айланган. Утган 4 йил мобайни-

да Ўзбекистонимизда юздан ортиқ турли халқро ҳамда бошқа йўсиндаги мусобақалар ўтказилди. Унда дунёнинг ҳамма қитъасидан ташриф бурган энг маҳоратли теннис усталари қатнашди. Биринчи «Президент кубоги» мусобақасини мисол тариқасида кўрайдиган бўлсак, шу кунга қадар тўрт бор ташкил этилган ушбу нуфузли баҳла қарийб элдикдан ортиқ давлатдан ташриф буюрган икки юзга яқин профессионаллар қатнашди. Мана шу факт ва рақамларнинг ўзига мамлакатимизда теннисга муносабат қандай эканлигини кўрсатади.



Утган 1997 йилда кўтаринки кайфиятда уюштирилган «Президент кубоги» баҳсларида дунёдаги энг баобур теннисчилардан 14 нафари иштирок этди. Санчес, Россет, Ка-

фельников, Воинеа, Волков, Чеснаков, Шампионларнинг юксак маҳорати пойтахтимиздаги «Юнусов» теннис мажмуида йилгилан барча ишқибозларини мафтун этганлиги рост. Ярим финалда Кафельников — Россет учрашувидан сўнг, женевалик Марк Россет «Мен Ўзбекистонда ҳар йили ўтказилаётган «Президент кубоги» мусобақасини бемалол дунёнинг энг нуфузли теннис баҳслари сафига қўша оламан. Бундай даражадаги ҳамда намунали ташкил этилган мусобақада қатнашаётган теннис фахрланаман. Насиб этмас, келгуси йилда ҳам келиш истагидаман», деган эди.

Дарҳақиқат, Марк Россетнинг гапларида жон бор. Негаки, уч йил ичида «Президент кубоги» дунёнинг энг катта мусобақалари мажмуаси бўлиши АТП-тур сафига киришига муваффақ бўлди. АТП-тур рўйхатида 1997 йилга қадар ер шарининг 34 мамлакатда ўтказилаётган 77 та энг нуфузли теннис бешлашуви бор эди. «Президент кубоги» бу рўйхатга 78- бўлиб қўшилди.

Биз нафақат «Президент кубоги», балки йилдан-йилга оммавийлашиб бораётган «Авас», «Челленжер», «Сатилет» сингари мусобақаларимиз билан

ҳам ҳар қанча фахрлансак арзийди. Шунингдек, болалар, усмирлар ўртасида ўтказилаётган дунёвий теннис баҳсларида ҳамюртларимиздан Ирода Тўлаганова, Лилия Белтикова сингари қизларимиз муваффақиятли қатнашиб, юртимиз байрогини янада баланд кўтаришмоқда.

Гапнинг сирасини айтганда, ХХ аср охирига келиб, мамлакатимиз нафақат сиёсий, иқтисодий ва халқро жаҳаларда, балки жисмоний тарбия ва спорт масаласида ҳам катта обрў-эътиборга эга бўлмоқда. Дунёнинг ҳар қандай нуқтаидаги мусобақаларда юртимиз маҳжиси янграб, байроғимиз янада баланд кўтарилмоқда. Бу эса, албатта, Ватанимизнинг ХХI аср томон дилал бораётганлигидан далолат беради.

Нормурод МУСОМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ДАРДГА МАЛҲАМ ИЗЛАБ...

Фрейдлин раҳбарлигида биринчи тадқиқотини амалга оширгангидеяк илмий жамоатчилик назарига тушганди. Ёш олим илк бор эркин радикалларнинг водородни сакраб ўтиши ҳисобига қайта тақсимланган реакциясини яратди. Мазкур реакция тармоқланган, юқори ёғ кислоталари олишнинг энг қулай усули бўлиб қолди. Бу усулда олинган ёғ кислоталарини алкил смолалар, лак-бўёқ ва бошқа зарур маҳсулотлар олишда, нодир металлларни саралашда қўллаш мумкинлиги аниқланди ва ўша пайтлардаёқ Бошқирдистондаги «Каустик» бирлашмасида ишлаб чиқаришга жорий этилди. 1965 йили Ўзбекистон Фанлар академияси Кимё институтининг газ кимёси синтези лабораториясида илмий ходим бўлиб ишлаб бошлаган, унинг иштирокида гидротол (сув хоссасини ўзгартирадиган) моддалар, анион, катион, амфолит сирт фаол моддалар синтез қилинди. Улар нодир металллар экстракциясида, ювувчи воситалар тайёрлашда, металлларни зангдан муҳофиза қилишда қўлланилмоқда.

Жонқуяр олим 1978 йилдан бунён Тошкент фармацевтика институтининг анорганик, физик ва коллоид кимё кафедрасини бошқариб келмоқда. Маълумки, кимё фанида инсон танаси — юрвчи коллоид деган ибора бор. Дори-дармонларнинг қарийб барча турлари коллоид ҳолатдаги диспер ҳисобланади. Лекин илгари коллоид кимёгарлар алоҳида, фармацевтлар

Ўзбекистон — Очиқ Жамият Институти

Ҳозирги Ўзбекистон ҳаётига бағишланган ҳаваскор ва малакали ижодкорлар яратган ҳужжатли кино ва видеофильмлар КҮРИК-ТАНЛОВИНИ ЎТКАЗАДИ

Күрик-танловда малакали ва ҳаваскор кино ва видеофильмлар яратиши соҳасида ишлаётган Ўзбекистоннинг фуқаро ҳамда ижодий гуруҳлари қатнашишлари мумкин.

Танловга 10, 20 ва 30 дақиқа ҳажмида яратилган фильмлар қабул қилинади.

Танлов якунларига биноан, ғолибларга учта совринли ва бир нечта имтиёзли ўринлар белгиланади:

- I ўрин (битта) - \$ 1000
II ўрин (иккита) - \$ 500
III ўрин (иккита) - \$ 300

Тўловлар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ўша кунги расмий курси бўйича амалга оширилади. Ғолиб чиққан фильмлар жамоа учун очиқ равишда намоиш қилинади.

Танлов мутахассис киношуноне ва республика кино соҳасининг ижодий ходимларидан иборат комиссия томонидан ўтказилади.

Танловда иштирок этиш учун VHS ёки SVHS видеокассеталарига ўтказилган фильм тасвири ва бир саҳифа ҳажмида ахборот ҳамда техник маълумот (муаллифлар, фильм номи, намоиш мuddати, фильм ҳақида қисқача илова ва бошқ.) Очиқ Жамият Институтига 1998 йил 31 августгача юборилади.

Манзилгоҳ: 700070, Тошкент шаҳри, Ивлес кўчаси, 41-уй.
Тел./факс: (3712) 55-61-60, 40-68-54, 54-82-43.
Электрон почта: <aleks@osi.freenet.uz>
«Санъат ва маданият» дастурининг мудирига.

ХАТЛАРДА ҲАЁТ АКСИ

САНЪАТКОРЛАР — ИШЧИЛАР ҲУЗУРИДА

«Сўғдиёна» камер оркестри «Зарафшон — Нью-Йорк» қўшма корхонаси ишчилари ҳузурда концерт берди. Санъаткорлар билан ишчиларнинг ўзаро ҳамкорлик қилаётганликларига уч йил бўлди. Шундан бунён корхона «Сўғдиёна»нинг хорижий гастролларга боришига ҳам ҳомийлик қилаётти.

АНДИЖОНДА НАВОЙИГА ХАЙКАЛ КЎЙИЛАДИ

Андижон шаҳридаги марказий истироҳат боғида буюк мутафаккир, ғазал мулкунинг султони Алдшер Навоийга хайкал қўйиладиган бўлди. Айни пайтда боғ йўлаклари, паниолар қайта тазмирланаяпти. Хайкал пойдевори тикланди.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИНИНГ ИХТИСОСЛАШГАН ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБИ

1998-1999 ўқув йилига қабул ёълон қилади

Кундузги бўлимга: Сиртки бўлимга:
Ихтисосликлар: - менежмент; - менежмент;
- маркетинг; - сопиқ ва сопиққа тортиш;
- молия; - молия;
- бухгалтерия ҳисоби ва аудит; - бухгалтерия ҳисоби ва аудит;
- банк иши; - банк иши.
- сопиқ ва сопиққа тортиш.

Ўқши мuddати кундузги бўлимда 2 йил, сиртки бўлимда 2 йил 8 ой.

Ўқши якуни бўйича таълимнинг тегишли даражасини белгиловчи малака ва давлат намунасидаги диплом берилади.

Бундан ташқари, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида фаолият кўрсатаётган ёки ўз хусусий ишини йўлга қўймоқчи бўлган шахслар учун «БИЗНЕС АСОСЛАРИ» бўйича 1 йиллик дастур ҳам ташкил этилган. 1 йиллик дастурни муваффақиятли якунлаганларга ўзбек ва инглиз тилларида битилган сертификат берилади.

Ўқши ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.
Ўқув жараёнида мутахассислик фанлари билан бира хорижий тиллар ва компьютер кўникмаларини чуқур ўзлаштириш имконияти яратилади.

Абитуриентларнинг ҳужжатлари 1998 йил 5 августдан 5 сентябргача қабул қилинади.
Абитуриентлар тест синови ва сўхбат натижалари бўйича қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Олмазор» кўчаси, 103 (Илқимий театри орқасида), 1-корпус (сопиқ 1-ётоқхона биноси), 2-қават, Ихтисослашган Олий бизнес мактаби (Тошкент давлат иқтисодий университети ҳудуди).

Маълумотлар учун телефон: (3712) 45-24-40, 45-85-96.

Давлат қисқа мuddатли облигацияларининг 21027UMFS наشري бўйича тўловларни амалга ошириш ва 21030UMFS наشريни жойлаштириш тўғрисида

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ўртасида 1996 йил 26 мартдаги 1-сонли шартномага биноан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 19 августда уч ой мuddат давомийда муомалада бўлган давлат қисқа мuddатли облигацияларининг йиғирма этишичи наشري бўйича тўловлар амалга оширилишини эълон қилади:

- а) тўлов наشري: 21027UMFS;
б) эълон қилинган миқдори: 4 000 000 000 (тўрт миллиард) сўм;
в) облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм.
21027UMFS наشري тўловидан олинган маблағлар билан шу кунги муомалада чиқарилаётган 21030UMFS наشري облигацияларини сотиб олишда фойдаланишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1998 йил 19 августда давлат қисқа мuddатли облигацияларининг навбатдаги наشري муомалада чиқарилишини маълум қилади:

- а) чиқарилиш наشري 21030UMFS;
б) чиқарилиш миқдори 5 000 000 000 (беш миллиард) сўм;
в) облигациянинг номинал қиймати 1000 (бир минг) сўм;
г) қопланиш мuddати 1999 йил 18 ноябрь;
д) облигацияларни Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган ҳужуқий шахслар сотиб олиши мумкин;
е) рақобатдош бўлмаган талабномаларнинг максимал миқдори ҳар бир дилер рақобатдош талабномаси ҳажмининг 30%оғидан ортиқ бўлмастлиги лозим.

Облигацияларнинг қопланиши 1998 йил 19 август кунни соат 09.00 да, «Кимоиди» савдоси соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шаҳр ҳисоби, 6-уй, Ўзбекистон Республикаси валюта биржасиди ўтказилади.

Облигацияларни сотиш ёки харид қилишни хоҳлаган ташкилотлар облигацияларнинг чиқарилиш шартларини мувофиқ, шу ҳужуққа эга бўлган кўлида рўйхати берилаётган дилерларнинг истиган биреа мурожаат қилишлари мумкин. Қопланиш масалалари бўйича облигация эгалари тузилган шартномага мувофиқ ўзларига хизмат кўрсатадиган дилерларга мурожаат қилишлари лозим.

Table with 3 columns: Тартиб рақами, Бирламчи дилерлар, Манзил, телефон. Lists various banks and their contact information.

«ХАЛҚ СЎЗИ» НАРОДНОЕ СЛОВО
МУАССИСАЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ
Тахрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»),
А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, Л. Спиридонов, Р. Фарҳодий,
И. Худойёров, И. Шогуломов, Ҳ. Ҳошимов.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Хатлар бўлими 136-29-89, 133-07-48; Котибият 133-10-28;
Эълонлар 136-09-25.

Манзилимиз: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — И. Ҳўбосаров,
Навбатчи — Қ. Норқобил,
Мусаҳҳиҳ — Ф. Усмонов.
«Шарқ» наشريёт-матбаа кўчерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақт — 21.00
Босишга топширилади: 23.15 1 2 3 4 5 6